

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБОБАКИРОВА ОДИНА НАБИЕВНА

**ЎЗБЕК БОЛАЛАР ҲИКОЯЧИЛИГИДА БАДИИЙ УСЛУБ ВА
ҚАҲРАМОН МАСАЛАСИ
(Н.Фозилов, Л.Маҳмудов, А.Обиджон ижоди мисолида)**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

УЎК: 821.512.133-95

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of Dissertation abstract of Doctor of philosophy (PhD) on
philological sciences**

Абобакирова Одина Набиевна

Ўзбек болалар ҳикоячилигида бадиий услуб ва қаҳрамон масаласи
(Н.Фозилов, Л.Маҳмудов, А.Обиджон ижоди мисолида).....3

Abobakirova Odina Nabievna

Problem of artistic style and the protagonist in Uzbek children storytelling (on the
examples of the creation of N.Fozilov, L.Makhmudov, A.Obidjon).....27

Абобакирова Одина Набиевна

Проблемы художественного стиля и героя в рассказах для детей узбекских
писателей (на примере творчества Н.Фозилова, Л.Махмудова и
А.Обиджана)..... 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....53

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБОБАКИРОВА ОДИНА НАБИЕВНА

**ЎЗБЕК БОЛАЛАР ҲИКОЯЧИЛИГИДА БАДИИЙ УСЛУБ ВА
ҚАҲРАМОН МАСАЛАСИ
(Н.Фозилов, Л.Маҳмудов, А.Обиджон ижоди мисолида)**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона - 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Fil702 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона давлат университети бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.fdu.uz) ҳамда "ZiyoNET" Ахборот-таълим порталига (www.ziyounet.uz) жойлаштирилди.

Илмий раҳбар:

Сабирдинов Акбар Гафурович
филология фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Тожибоева Муқаддас Абдурахимовна
филология фанлари доктори

Баракаев Раҳматулла
филология фанлари номзоди, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот:

Қўқон давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги филология фанлари бўйича илмий даражалар берувчи DSc 27.06.2017.Fil.05.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил "19" октябрь соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100151, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19, Тел: (0573) 244-44-29; факс: (0573) 244-44-91; e-mail: fardu_info@umail.uz) Диссертация билан Фарғона давлат университети Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (130 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100151, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19, Тел: (0573) 244-44-94).

Диссертация автореферати 2021 йил "7" октябрь кuni таркатилди. (2021 йил "7" октябрь даги 36 рақамли реестр баённомаси).



Ш.М.Искандарова

Илмий даража берувчи илмий кенгаш
фил.ф.н., профессор.

М.Т.Зокиров

Илмий даража берувчи илмий кенгаш
илмий кенгаш илмий котиби,
филол.ф.н., доцент.

З.Б.Кобилова

Илмий даража берувчи илмий кенгаш
ҳузуридаги илмий семинар раис
ўринбосари, филол.ф. доктори.

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида болалар маънавияти, жамиятдаги қиёфаси, тафаккур тарзи, униб-ўсиш жараёнининг бадиий адабиётидаги талқини ва шу орқали ижодкор услуби ҳамда маҳоратини ёритиш муҳим саналади. Болалар адабиётининг депсиниш ва юксалиш босқичлари, тараққиёт кўлами ҳикоялар бадиияти мисолида кўзга ташланади. Турли авлодга мансуб ижодкорлар адабий меросини қиёсан баҳолаш эса муайян даврга хос адабий жараён манзарасини намоён этишга амалий аҳамият касб этади.

Дунё адабиётшунослигида ҳикоячиликда услуб ва қаҳрамон, бадиият ва маҳорат, тасвир ва талқин масалаларнинг илмий-назарий жиҳатдан ўрганишга бўлган эътибор янада кучаймоқда. Ўзбек болалар адабиётининг турфа хил қаҳрамонлари турли услубдаги ижодкорлар асарларида бетакрор ифодаланиб, ижодий ранг-барангликни таъминлаши ёндашув ва маҳоратдаги хилма-хилликни назарий жиҳатдан ўрганиш заруриятини юзага келтиради. Болалар ҳикоячилигининг ижодий тажрибалари, бадиий услуб ва маҳорат, ижодий таъсир ва қаҳрамон, жанр такомили босқичлари адабиётшунослик соҳасидаги ўрганилиши зарур илмий-назарий масалалар ҳисобланади.

Замонавий ўзбек адабиётшунослигида XX аср ўзбек болалар адабиёти намоёндалари меросини янгича қарашлар асосида талқин этиш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бу эса, табиийки, ёзувчи таржимаи ҳоли, дунёқараши, ҳикояларнинг юзага келиш омиллари, яшаган даври, таъсир манбаларини ёритиш орқали қаҳрамон яратиш маҳорати ва услубига хос муҳим жиҳатларни изчил ўрганиш заруратини тақозо этмоқда. "Ҳозирги нотинч ва таҳликали замонда бутун башарият олдида пайдо бўлаётган, биз илгари дуч келмаган ғоят мураккаб муаммолар, глобал хавф-хатарни биргаликда бартараф этиш, шу йўлда барча эзгу ниятли инсонларни бирлаштиришда, дунё аҳолисининг қарийб учдан бир қисмини ташкил этадиган ёшларни гуманистик ғоялар руҳида тарбиялашда бадиий сўз санъатининг ўрни ва масъулиятини ҳар қачонгидан ҳам юксалтириш зарурлигини бугун ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда"¹. XX аср ўзбек болалар адабиётида бетакрор услублари билан муҳим ўрин тутган Носир Фозилов, Латиф Маҳмудов, Анвар Обиджон каби сўз санъаткорларининг маҳорат сирларини, ижодий лабораториясини, қаҳрамон яратишдаги услубий ўзига хосликларини тадқиқ этиш долзарб, ўрганилиши зарур бўлган масалалардандир. Ушбу ижодкорлар Абдулҳамид Чўлпон, Абдулла Қодирий, Ғафур Ғулوم, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор анъаналарини, шунингдек, жаҳон болалар ҳикоячилигининг етук тажрибаларини давом эттирдилар ҳамда жанр имкониятларини рўёбга чиқардилар. Шу боис Носир Фозилов, Латиф Маҳмудов, Анвар Обиджон ҳикояларида бадиий услуб ва қаҳрамон масаласини ўрганиш тадқиқот мавзусининг заруриятини белгилайди.

¹Мирзиёев Ш. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – Б.340.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларни ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришнинг янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларни мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2019 йил 17 июндаги ПҚ-4358-сон “2019–2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси ва яна бир қатор меъёрий ҳужжатларда белгилаб берилган вазифалар ижроси ушбу тадқиқот учун муайян даражада хизмат қилди.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ равишда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон адабиётшунослигида ҳикоянинг жанр хусусиятлари, назарий асослари, услуб ва қаҳрамон масалалари А.Н.Веселовский, В.Белинский, Ю.Борев, М.М.Бахтин, В.В.Виноградов, Л.Тимофеев, М.Б.Храпченко, Н.Д.Тамарченко, Е.И.Хализев, А.Б.Есин каби рус олимларнинг тадқиқотларида ўрганилган².

Ўзбек адабиётшунослигида ҳикоянавислик маҳорати, жанр хусусиятлари, услуб ва қаҳрамон, характер ва конфликт, мавзу ва ғоя, образ ва тасвирий воситалар, сюжет ва композиция каби масалалар М.Қўшжонов, Н.Каримов, С.Мамажонов, Б. Назаров, Н.Владимилова, С.Мирвалиев, У.Норматов, А.Алимухаммедов, Н. Раҳимжонов, Ҳ.Болтабоев, Қ.Йўлдошев, Й.Солижонов, Д.Қуронов, С.Умаров, И.Ниятов, Х.Дўстмухаммедов, Ш.Дониёрова, Г.Сатторова, С.Комилова, Ш.Одилов, М.Қўчқарова, П.Кенжаева, С.Матякубова, Ш.Сапиева, А.Тошпўлатов, К.Шахабов,

²Веселовский А.Н. Историческая поэтика. –Москва: Выс. школа, 1989. –406 с; Белинский В.Г.Собрание сочинений. – Т.3. –Москва, 1978. –271 с; Борев Ю, Эстетика. Теория литературы: Энциклопедический словарь терминов. – Москва: Астрель, 2003. –575 с.; Борев Ю. Искусство интерпретации и оценки. –Москва: Сов. писатель, 1981. –400 с.; Бахтин М.М. Вопросы литературы и эстетика. –Москва: Худ. литер., 1975. –502 с; Виноградов В.В. О теории художественной речи. –Москва: Выс. школа, 1971. –118 с.; Храпченко М.П. Познание о литературе и искусстве. – Москва: Наука, 1987. –575 с.; Тамарченко Н.Д.Теория литературы // Роды и жанры. – Москва: ИМТИ РАН, 2003. –228 с.; Хализев В. Е. Теория литературы. –Москва: Выс. школа, 2002. – 397 с; Есин А.Б.Принципы и приемы анализа литературного произведения.–Москва: Фланта–Наука, 2002.–248 с.

М.Жўраева, А.Қаюмов, Б.Хасановаларнинг монография, диссертацион ишлари ва мақолаларида атрофлича ёритилган³.

Бевосита, Носир Фозилов, Латиф Маҳмудов, Анвар Обиджон ижодий мероси, хусусан, қисса, ҳикоялари, шеърляти, бадий публицистикаси эса С.Мамажонов, Б.Назаров, А.Расулов, Р.Баракаев, З.Мамадалиев, Й.Солижонов, А.Сабирдинов, З.Ибрагимова, Умид Али, Қ.Йўлчиев, Г. Жўраеваларнинг диссертация, монография, рисола ва мақолаларида тадқиқ

³Қўшжонов М. Ҳаёт ва маҳорат. –Тошкент: Ўзбекистон, 1962. –201 б.; Каримов Н. XX аср ўзбек адабиёти тараққийнинг ўзига хос хусусиятлари ва миллий истиқлол мафқураси: Фил. фан. д-ри. дисс. автореф. –Тошкент, 1993. –49 б.; Каримов Н. XX аср адабиёти манзаралари. –Тошкент: O‘zbekiston, 2008. –582 б.; Мамажонов С. Услуб жилolari. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1992. –219 б.; Назаров Б. Ҳаётчилик–безавол мезон. –Тошкент: Ёш гвардия, 1985. –22б.; Назаров Б, Раҳимжонов Н. Ўзбек совет ҳикоячилигининг жанр хусусиятлари // Адабий тур ва жанрлар. 3 томлик. I-том. –Тошкент: Фан, 1991. –29–108 б.; Владимирова Н. Развитие жанра рассказа в узбекской литературе: Дисс... д-ра филол наук. – Ташкент, 1985. –340 с.; Владимирова Н. Чўлпон–ҳикоянавис // Чўлпоннинг бадий олами. –Тошкент: Фан, 1994. –97-114 б.; Мирвалиева С. Наср, давр, қахрамон. –Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. –240 б.; Норматов У. Насримиз уфқлари. –Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974. –215 б.; Норматов У. Умидбахш тамойиллар. –Тошкент: Маънавият, 2000. –112 б.; Алимұхаммедов А. Абдулла Қаҳҳор ҳикояларидаги инсон образи: Фил. фан.номз... дисс. – Тошкент, 1944. – 151 б.; Болтабоев Ҳ. Наср ва услуб: услуб муаммосига назарий нигоҳ ва ҳозирги ўзбек насрида услубий изланишлар. –Тошкент: Фан, 1992. –105 б.; Йўлдошев Қ. Ўзбек совет сатирик ҳикоячилигида характер тасвири эволюцияси: Фил. фан.номз... дисс. –Тошкент, 1985. –164 б.; Солижонов Й. Ҳақиқатнинг синчков кўзлари. –Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2009. –228 б.; Солижонов Й. Адабиёт хиёбони. –Фарғона нашриёти, 2020. –324 б.; Қуронон Д. Чўлпон насри поэтикаси. –Тошкент: Шарқ, 2004. –288 б.; Умаров С. Санъатнинг сеҳрли калити. –Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974. –99 б.; Ниятов Ч. Ҳозирги ўзбек прозасида характер проблемаси. –Тошкент: Фан, 1984. –128 б.; Дўстмухаммедов Х. Ҳозирги ўзбек ҳикоячилигидаги бадий тафаккурнинг янгиланиши (80-йилларнинг иккинчи ярми ва 90-йилларнинг аввалидаги ҳикоялар мисолида): Фил. фан. номз... дисс. –Тошкент, 1995. –136 б.; Дониёрова Ш. Шукур Холмирзаев ҳикояларининг бадий-услубий ўзига хослиги: Фил. фан.номз... дисс. –Тошкент, 1999. –130 б.; Сатторова Г. 90-йиллар ўзбек ҳикоячилигида миллий характер муаммоси: Фил. фан.номз... дисс. –Тошкент, 2002. –136 б.; Камалова С. XX аср охири – XXI аср бошлари рус ва ўзбек адабиётида ҳикоя жанри поэтикасининг ривожини: Фил. фан.номз... дисс. автореф – Тошкент, 2016. –92 б.; Одилов Ш. Кейинги йиллар ўзбек ҳикояларида замондошларимиз образи (70–80-йиллар): Фил. фан.номз... дисс. –Тошкент, 1989. –161 б.; Қўчқорова М. Бадиий сўз ва руҳият манзаралари (Эссе, қисса, ҳикоя: тадқиқ ва талқин). –Тошкент: Мухаррир, 2011. –232 б.; Қўчқорова М. ”Ўтмишдан эртактлар” тадқиқи. –Тошкент: Янги аср авлод, 2016. –144 б.; Кенжаева П. Ҳозирги ўзбек ҳикояларидаги қахрамон руҳиятини тасвирлаш тамойиллари: Фил.фан.номз... дисс. автореф. –Тошкент, 2008. –23 б.; Матяқубов С. Ҳозирги ўзбек ҳикояларида инсон концепцияси ва шахс бадиий талқини: Фил. фан.номз... дисс. Автореф. –Тошкент, 2006. –22 б.; Сопиева Ш. Хайридин Султоннинг ҳикоянавислик маҳорати: Фил. фан.номз... дисс. –Тошкент, 2006. –147 б.; Тошпулатов А. Ўзбек адабиётида новелла жанри ва унинг бадиияти (А.Қаҳҳор, Ш.Холмирзаев, Н.Эшонкул ижоди мисолида): Фил. фан бўйича фалсафа доктор (PhD) дисс. автореф. – Самарқанд, 2018. –50 б.; Шаҳобов К. Ҳозирги ўзбек насрида ўтиш даврининг бадиий талқини (Шукур Холмирзаев асарлари мисолида): Фил. фан бўйича фалсафа доктор (PhD) дисс. автореф. – Фарғона, 2019. –53 б.; Жўраева М. Замонавий ўзбек насрида янги инсон концепцияси (Абдуқаюм Йўлдошов ва Зулфия Қуролбой кизи ҳикоялари асосида): Фил. фан бўйича фалсафа доктор (PhD) дисс. автореф. – Фарғона, 2018. –53 б.; Қаюмов А. Ҳозирги ўзбек насрида миллий характер ва бадиий маҳорат (Ўткир Ҳошимов ва Наби Жалолиддин ҳикоялари мисолида): Фил. фан бўйича фалсафа доктор (PhD) дисс. автореф. – Фарғона, 2018. –53 б.; Ҳасанова Б. Аскар Мухторнинг ҳикоянавислик маҳорати: Фил. фан бўйича фалсафа доктор (PhD) дисс. автореф. –Фарғона, 20018. –57 б.

этилган⁴. Шунингдек, З.Иброҳимованинг “Мактабгача тарбия ёшдаги ўзбек болалар насрининг ғоявий-бадий хусусиятлари”⁵ номли номзодлик диссертациясида кичкинтойлар эртагида ғояни талқин этишнинг ўзига хослиги, улардаги такрор усули ва унинг хиллари, кичкинтойлар ҳикояларида образ яратиш масалалари тадқиқ этилган. Н.Қурбонованинг “Ўзбек болалар маросим фольклори”⁶ номли номзодлик диссертациясида кичкинтойлар маросим фольклорининг генезиси, ижро этилишидаги ўзига хосликлар таҳлилга тортилган. А.Қосимовнинг “Адабиётда болалик маънавий-ахлоқий категория сифатида (А.де Сент-Экзюперининг “Кичкина шахзода” ва Ч.Айтматовнинг “Оқ кема” асарлари асосида)”⁷ номли номзодлик диссертациясида бола образини яратишдаги А.де Сент-Экзюпери ва Ч.Айтматов услубларига хос жиҳатлар ёритилган. Р.Баракаевнинг “XX аср бошларидаги ўзбек болалар адабиёти ва Абдулла Авлоний ижоди”⁸ номли номзодлик диссертациясида ўзбек болалар адабиётининг майдонга келиш омиллари, мактаб адабиёти дарсликларида Абдулла Авлоний ижодининг ўрни масалаларига эътибор қаратилган. Б.Жамилованинг “Ўзбек болалар публицистикаси ва унинг ривожланиш тамойиллари”⁹ номли номзодлик диссертациясида ўзбек болалар публицистикасининг ўзига хос хусусиятлари, шаклланиш омиллари, тараққиёт босқичлари таҳлили ўрин олган. Н.Сафарованинг “Ўзбек болалар ўйин фольклорининг жанрий табиати, генезиси ва бадий хусусиятлари”¹⁰ номли диссертациясида ўзбек болалар ўйин фольклорининг ўзига хос хусусиятлари, тарихий асослари, бадий хусусиятлари ўрганилган.

⁴Мамажонов С. Эзгу ният йўлида // Маҳмудов Л. Жасур болалар. –Тошкент: Ёш гвардия, 1973. –Б.3–6; Назаров Б. Анвар Обиджон шеърларида поэтик гўзаллик // Болалар оламининг шайдоси. Республика илмий-амалий анжуман материаллари. –Тошкент, 2017. –Б.7–13; Расулов А. Бетакрор ўзлик. –Тошкент: Mumtoz soʻz, 2009. –Б.137–216; Баракаев Р, Мамадалиев З. Анвар Обиджоннинг нурли ижоди // Болалар оламининг шайдоси. Республика илмий-амалий анжуман материаллари. –Тошкент, 2017. –Б.20–30; Солижонов Й., Лирика латофати, насрининг назокати. –Тошкент: Адабиёт уқунлари, 2018. –108 б; Сабирдинов А. Маънавият ва маърифат чашмалари. –Тошкент: Akademnashr, 2016. –144 б.; Ибрагимова З. Кичкинтойлар адабиётининг хусусиятлари. –Тошкент: Ўқитувчи, 1994. –Б.4. Умид.Али. Кўнгилга сайр. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2009. –Б.32-37; –Б.130–134; Йўлчиев Қ. Ўзбек шеърлятида бирлик ва учлик шеър поэтикаси // Фил. фан бўйича фалсафа доктор (PhD) дисс. автореф. –Фарғона, 2017. –47 б.; Жўраева Г. Ўзбек болалар шеърлятида ҳажвий образ яратиш маҳорати (XX асрнинг 80–90-йиллари материаллари асосида) // Фил. фан номз... илмий дараж... олиш учун ёзилган дисс... автореф. –Тошкент, 2010. –23 б.

⁵Иброҳимова З. Мактабгача тарбия ёшдаги ўзбек болалар насрининг ғоявий-бадий хусусиятлари: Фил.фан.номз... дисс. –Тошкент, 1990. –179 б.

⁶Қурбонова Н. Ўзбек болалар маросим фольклори: Фил.фан.номз... дисс. –Тошкент, 1994. –125 б.

⁷Қосимов А. Адабиётда болалик маънавий-ахлоқий категория сифатида (А.де Сент-Экзюперининг “Кичкина шахзода” ва Ч.Айтматовнинг “Оқ кема” асарлари асосида): Фил.фан.номз... дисс. автореф. –Тошкент, 1994. –26 б.

⁸Баракаев Р. XX аср бошларидаги ўзбек болалар адабиёти ва Абдулла Авлоний ижоди: Фил.фан.номз... дисс. –Тошкент, 1994. –166 б.

⁹Жамилова Б. Ўзбек болалар публицистикаси ва унинг ривожланиш тамойиллари: Фил. фан. номз... дисс. –Тошкент, 2004. –155 б.

¹⁰Сафарова Н. Ўзбек болалар ўйин фольклорининг жанрий табиати, генезиси ва бадий хусусиятлари: Фил.фан.номз... дисс. –Тошкент, 2005. –166 б.

Бироқ шу пайтга қадар Носир Фозилов, Латиф Маҳмудов, Анвар Обиджон ҳикояларида услуб ва қаҳрамон масаласи монографик тарзда кенг қиёсий тадқиққа тортилмаган. Мазкур адиблар ҳикояларидаги услубий ўзига хослик ва қаҳрамон яратиш маҳоратларини ўрганиш эса XX аср ўзбек болалар ҳикоячилиги тарихини, унинг тараққиёт босқичларини янада мукамал ва ёрқин тасаввур этиш имкониятини беради. Зеро, Носир Фозилов, Латиф Маҳмудов, Анвар Обиджон ўзига хос услублари билан ўзбек болалар ҳикоячилиги ривожига муносиб ҳисса қўшган адиблар саналадилар.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Фарғона давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Поэтика муаммолари” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади XX аср ўзбек болалар ҳикоячилиги тараққиёти ва шаклланишида Носир Фозилов, Латиф Маҳмудов, Анвар Обиджон ижодининг ўрни ҳамда аҳамиятини, услубларидаги ўзига хослик ва муштараклик, қаҳрамонлар талқинидаги маҳорат масалаларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

XX аср ўзбек болалар ҳикоячилигининг назарий асослари, тараққиёт босқичларини Носир Фозилов, Латиф Маҳмудов, Анвар Обиджон асарлари таҳлили мисолида очиб бериш;

ўзбек болалар ҳикоячилигининг ўзбек халқ оғзаки ижоди, мумтоз адабиёт, рус ва Ғарб адабиёти билан ўзаро таъсир ҳамда ҳамкорлик қирраларини ушбу адиблар ижоди мисолида таҳлил этиш;

жанр жиҳатидан ўзбек болалар ҳикоячилигидаги янгиланишлар ва изланишларни, бадиий жозибадорликни таъминлашдаги услубий жиҳатларни Носир Фозилов, Латиф Маҳмудов, Анвар Обиджон ижоди орқали тадқиқ қилиш;

Носир Фозилов, Латиф Маҳмудов, Анвар Обиджоннинг болаларга аталган ҳикояларидаги миллий руҳият тасвирининг ўзига хос жиҳатларини ёзувчилар дунёқараши, ёндашув усуллари, маҳорати таҳлили билан боғлиқликда аниқлаш;

ушбу ёзувчилар асарларидаги давр ва қаҳрамон талқинини тадқиқ этиш орқали услубий ранг-баранглик, бадиий маҳоратдаги бетакрорликни ёритиш ҳамда болалар ҳикоячилиги тараққиётидаги ютуқ ва нуқсонларни очиб бериш;

сюжет қурилиши ва услубий-композицион жиҳатдан ҳикоянинг таъсирчан, болаларбоп бўлишини юзага чиқаришдаги Носир Фозилов, Латиф Маҳмудов, Анвар Обиджон ҳикоячилик маҳоратини белгилашда ижодий лабораториянинг ўрнини асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Носир Фозилов, Латиф Маҳмудов, Анвар Обиджоннинг болаларга аталган ҳикоялари танланган.

Тадқиқотнинг предметини XX аср ўзбек болалар ҳикоячилигида бадиий услуб ва қаҳрамон масаласи тадқиқи орқали ушбу жанр тараққиёти босқичларини белгилаш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда қиёсий-типологик, социологик, биографик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўзбек болалар ҳикоячилигининг жонли таъсирчан миллий қаҳрамон яратиш билан боғлиқ ифода ва тасвир усуллари, шаклланиши ва такомилли билан боғлиқ назарий асослари ўзбек халқ оғзаки ижоди, Шарқ мумтоз адабиёти, рус ва Ғарб адабиёти анъаналари асосида юзага келганлиги, ўзига хос юксалиш босқичини босиб ўтганлиги илк бор Носир Ғозилов, Латиф Маҳмудов, Анвар Обиджон асарлари мисолида аниқланган;

ўзбек болалар ҳикоячилиги талқин ва тасвиридаги ҳаётийлик ҳамда ҳаққонийлик, ифода услубининг гоҳ бадиий тўқимага, гоҳ ҳаёт ҳақиқатига, гоҳ енгил юморга, гоҳ чуқур фалсафага уйғун акс эттирилиши ёзувчи таржимаи ҳоли, дунёқараши, ёндашувидаги бетакрорлик, асарга қаҳрамон ва воқеликни танлай билиш маҳорати билан боғлиқлиги исботланган;

XX аср ўзбек болалар ҳикоялари таъсирчанлигини таъминлаган юксак бадиият, турли давр ва қаҳрамонлар талқини, миллий руҳият тасвиридаги ижодкорнинг ўз услубини топишдаги ижодий изланишлари маҳсули бўлган анъанавийлик ва ўзига хослик, бадиий маҳорат ва индивидуал ёндашув ижтимоий-сиёсий воқелик, адабий муҳит, халқнинг турмуш тарзи билан боғлиқлиги Носир Ғозилов, Латиф Маҳмудов, Анвар Обиджон асарлари мисолида далилланган;

болалар ҳикояларининг бетакрор услубий-композицион ва сюжет қурилишида ёзувчининг биографияси билан боғлиқ воқеалар, мавзу ва образларни танлашдаги ёндашуви муҳим эканлиги, улар асар бадиий-эстетик қиммати, ҳаётийлиги, таъсирчанлигини таъминлашда муҳим ўрин тутиши асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

XX аср иккинчи ярми – XXI аср бошлари ўзбек болалар ҳикоячилигида услуб ва қаҳрамон масаласи таҳлили орқали болалар адабиётидаги изланишлар ҳамда янгилинишлар жараёни ўрганилган;

воқелик талқини, қаҳрамон яратишдаги ифода усуллари бир-биридан фарқланиб турувчи ижодкорлар асарлари таҳлили орқали ўзбек болалар ҳикоячилигининг услубий ҳамда жанр хусусиятларидаги хилма-хиллик тадқиқ этилган;

давр ва қаҳрамон талқинининг ҳаққоний бўлиши, миллий хусусиятларининг ҳикоя жанри имкониятлари асосида тасвирланиши, воқеликни болалар ёш хусусиятларига асосан талқин этилишининг назарий жиҳатлари асарлар таҳлилида ёритилган;

турли услубдаги ёзувчилар асарларини қиёсан тадқиқ этиш орқали услубий-композицион ва сюжет қурилишидаги ўзига хосликлар таҳлил этилиб, ўзбек болалар ҳикоячилигининг ютуқ ва камчиликлари асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги масаланинг тўғри қўйилганлиги, ёндашув ва қўлланилган усулларнинг тадқиқот мақсадига мувофиқлиги, назарий маълумотларнинг илмий манбаларга асосланганлиги, назарий фикр ва хусусиятларнинг амалиётга татбиқ этилганлиги, қиёсий-типологик, социологик, биографик таҳлил методлари орқали хулосаларнинг асослангани, натижаларнинг ваколатли тизимлар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, диссертацияда баён қилинган ўзбек болалар ҳикоячилигининг назарий асослари, услуб ва жанр, давр ва қаҳрамон, услубий-композицион ва сюжет қурилиши ҳақидаги илмий-назарий хулосалардан олий ўқув юртлари филология йўналиши талабаларига мўлжалланган дарслик ва ўқув қўлланмалар чоп этишда, маъруза машғулотларида, махсус курс ва семинарлар ташкил этишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўзбек болалар ҳикоячилиги назарий асосларини яратишга хизмат қилади. Шунингдек, диссертация натижалари “Янги ўзбек адабиёти”, “Адабиётшунослик назарияси”, “Ҳозирги адабий жараён ва ўзбек адабий танқиди”, “Бадиий таҳлил асослари”, “Болалар адабиёти” фанлари бўйича олиб бориладиган тадқиқот ва илмий изланишлар тақомилига хизмат қилиши билан ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек болалар ҳикоячилигида Носир Фозилов, Латиф Маҳмудов, Анвар Обиджон асарлари тадқиқотга асосланган бадиий услуб ва қаҳрамон масаласи мавзусида олиб борилган мазкур тадқиқот натижалари асосида:

ўзбек болалар ҳикоячилигининг ҳаётӣ, ҳаққонӣ, жонли миллий қаҳрамон яратиш билан боғлиқ назарий асослари, шунингдек, унинг ўзбек халқ оғзаки ижоди ва Шарқ мумтоз адабиёти, Европа ва рус адабиёти анъаналари асосида шаклланганлиги генезиси ва назарий асосларига оид хулосаларидан Фарғона давлат университетида 2017–2020 йилларга мўлжалланган №ОТ-Ф1-100 рақамли “Имконияти чекланган болалар ижтимоий-маданий фаолиятининг бадиий ижодиёт воситалари асосида назарий ва амалий тақомиллашуви” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 20 ноябрдаги 89-03-4856-сон маълумотномаси). Натижада “Замонавий баркамол инсонни тарбиялаш – давр талаби” номли ўқув-услубий кўрсатманинг “Ўзбек болалар ҳикоячилигида миллий руҳият тасвири” номли 2-бобини илмий жиҳатдан бойитилган;

ўзбек болалар ҳикоячилиги талқин ва тасвиридаги жонлилиқ, ҳаётӣлиқ, ҳаққонӣлиқ каби жиҳатлар, ифода йўсинида услубнинг гоҳ бадиий тўқимага, гоҳ ҳаёт ҳақиқатига, гоҳ чуқур фалсафага, гоҳ енгил юморга уйғун акс эттирилишидаги ўрни, ёзувчи дунёқараши, ёндашувидаги бетакрорлик унинг асарга қаҳрамон ва воқелиқни танлай билиш маҳорати билан

боғлиқлиги хусусидаги илмий-назарий натижаларидан Андижон давлат университетида 2017-2020 йилларга бажарилган “ОТ-Ф1-18 рақамли “Оммавий лисоний маданиятни шакллантириш методлари ва методологиясини ишлаб чиқиш” мавзусидаги фундаментал лойиҳада болалар мулоқотининг ўзига хос жиҳатларининг тавсифлаш мулоқот жараёнига ижтимоий, маданий, миллий омиллар таъсирини ўрганиш, болалар нутқининг структур кўринишлари ҳамда шаклланиш асосларини аниқлаш, болалар нутқида қўлланувчи сўзлар этимологияси борасидаги қарашларини шакллантиришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 20 ноябрдаги 89-03-4856-сон маълумотномаси). Натижада турли дискурсларда болалар нутқининг қўлланишдаги ўзига хослик, катталар нутқи фарқларини ўрганишда хизмат қилган. Тилнинг ижтимоий ва ёшга доир қатламларининг илмий-амалий таҳлилинини янги босқичга кўтариш жиҳатлари ёритилган;

Ўзбек болалар ҳикоячилигида услуб муаммоси ҳамда жанр хусусиятлари, миллий руҳият тасвири, давр ҳамда қаҳрамон талқини, сюжет қурилишдаги ўзига хосликлар, услубий-композицион, бадиий хусусиятларнинг акс этишига оид илмий қарашлари ва хулосаларидан Фарғона вилоят телерадиокомпаниясининг 2019–2020 йилларда эфирга узатилган “Маънавият сарчашмаси”, “Абадий муҳит”, “Қадрият” кўрсатувларида, шунингдек, “Маънавият – қалб кўзгуси” радиоэшиттиришлари сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Фарғона вилоят телерадиокомпаниясининг 2020 йил 2 ноябрдаги 12-01/107-сон маълумотномаси). Натижада ушбу телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар учун тайёрланган материалларнинг мазмуни мукамаллашган, илмий далиллар билан маънавий-маърифий ҳамда бадиий жиҳатдан бойиган, халқчиллиги ортган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та халқаро, 7 та илмий-амалий анжуманда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 20 та илмий иш нашр этилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч асосий боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат, умумий ҳажми 143 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари

баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Назарий асослар: услуб ва жанр”** деб номланган биринчи бобида ўзбек болалар ҳикоячилигининг юзага келиши узоқ тарихга эга эканлиги, ўзбек халқ оғзаки ижоди ва мумтоз адабиёт анъаналари, ғарб ва рус адабиёти таъсирида XX аср бошларида жанр сифатида шаклланиб, янгиланиш босқичига чиққанлиги таҳлил этилган. Бобнинг **“Услуб муаммоси”** номли биринчи фаслида бадиий ижодда, хусусан, ўзбек ҳикоячилиги тараққиётида услубий ранг-барангликнинг аҳамияти ҳақида сўз юритилган.

Услуб ”поэтиканинг муҳим категорияларидан бири; бадиий асарнинг у ёки бу тарздаги шаклий қурилишининг белгилловчи умумий принципи. У антропологик, яъни ижодкор шахси билан боғлиқ категория саналиб, унинг ижодий индивидуаллигини белгилайди”¹¹. “Ёзувчининг бирор асар ёки адабиёт жанрининг тил воситаларидан фойдаланишидаги ўзига хос йўли, усули”¹² дир. Шунингдек, “...Замонавий адабиётшуносликда услуб термини икки маънони - маълум бир ижодкорнинг ва ижодкорлар гуруҳининг ифодалаш усулини англатади”¹³. “Услуб” тушунчаси турли маъноларда – энг кенг ва энг тор: адабиёт тараққиётининг у ёки бу пайтига хос муҳим жиҳатлар (муайян давр услуби), турли хил бадиий метод ва йўналишлар (классицизм, сентиментализм, романтизм ва ҳ.к.), маълум бир ёзувчи ижодининг ўзига хослиги (Л.Толстой, Чехов, Горький услуби), ниҳоят алоҳида асарнинг ўзига хос жиҳатлари... билан боғлиқ қўлланилади”¹⁴. Абдурауф Фитрат эса “Шоирнинг хаёл, ўй, тушуниш шакллари тугал, комил бўлғач, ўзига яраша бир услуб борлиққа чиққан бўладир. Услубнинг адабиётдаги ўрни жуда катта, жуда муҳимдир. Бир асардаги фикрлар, маълумотларнинг эскилигини бизга сездирмасдан, билдирмасдан ифода қилиб уни бизга ўқита олган куч услубдадир”¹⁵.

Ўзбек болалар ҳикоячилигини Анвар Обиджон энгил юмор билан уйғун бетакрор тасвир услуби билан янги босқичга олиб чиқди. Унинг ҳикоялари лўнда ифодаси, ним табассум сингган тасвир усули, хаётий талқинлари билан ажралиб туради. “Анвар Обиджон борлиққа – мавжудот-у маҳлуқотга, ой, куёш, юлдузларга, узлуксиз ғимир-ғимир ҳаракатга боланинг масъум кўзи билан боқади. Пишиқ-пухта, умри узоқ асар яратади. Болалар адабиёти пирлари қаторидан ўз диди, тили, услуби билан жой олди”¹⁶. Унинг 1978-1983 йиллар оралиғида ёзган “Аτροφимиздаги қизиқчилар” ҳикоялари туркумида йигирмадан ортиқ ҳайвон ва ҳашаротларни ўз тилида сўзлатиш

¹¹Қуронон Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. –Тошкент: Akademnashr, 2010. –Б.339.

¹²Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки томлик. Иккинчи том. –Москва: Рус тили, 1981. –Б.281.

¹³Ҳотамов Н., Саримсоков Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. –Тошкент: Ўқитувчи, 1983. –Б.310.

¹⁴Абрамович Г.П. Введение литературоведение. –Москва: Просвещение, 1975. –Б.266–267.

¹⁵Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. IV жилд. –Тошкент: Маънавият, 2006. –Б.17.

¹⁶Расулов А. Ўзлик сари йўл. –Тошкент: Adib, 2012. –Б.11.

орқали табиатига хос жиҳатларни ёритиб беради. Бу эса ўз навбатида болаларда табиатга, жонзотларга муҳаббат туйғуларини уйғотишга хизмат қилади. Ёзувчи кучукча, тулкича, эчкиэмар, чиябўри, мушукча, хачир, чўчка, қарға, ҳаққа, чумолини сўзларини келтириш, ўзларини ҳикоя қилдириш орқали жонли тарзда уларнинг яшаш тарзи тўғрисида ҳам маълумотлар беради.

“Пашшавойнинг бошидан кечирганлари” ҳикоясига муаллиф “митти роман-фожеа” деган эслатма киритган ҳамда кичик қисм ва бобларга ажратгани ҳолда роман шаклини берган. Ёзувчи бу билан баъзи жанр талабига жавоб бермайдиган, аммо роман сифатида тақдим этилаётган баъзи асарларни ҳам ўзига хос танқид қилаётгандай бўлади. Анвар Обиджон “Футбол тўпининг саргузаштлари” ҳикоясида копток билан боғлиқ воқеаларни унинг хотиралари орқали тасвирлаб футбол тараққиётига ғов бўлаётган шахсларни танқид остига олади¹⁷.

Фасл давомида Носир Фозиловнинг “Ирмоқ” ҳикояси образлари, реалистик тасвир услуби, воқелик талқинида ёзувчи услубига хос жиҳатлар таҳлил этилган. Зеро, Носир Фозилов қайд этганидек “Бола аралашган асарнинг ҳаммаси ҳам болалар адабиёти бўлавермайди. Болалар учун бола характери, хатти-ҳаракати, интилишу орзулари акс этган асар ёзиш керак”¹⁸.

Тадқиқотда Латиф Маҳмудовнинг “Қорбобонинг топшириғи” ҳикояси образлари таҳлили орқали ёзувчи услубига хос бўлган хусусиятлар кенг тадқиқ этилган.

Диссертацияда ўта жўн, тўпори тасвирлардан холи, матн остига енгил юморни сингдириш орқали жонлилиқни таъминлаш Анвар Обиджон, воқелиқни болалиқ таассуротлари асосида ҳаққоний талқин этиш, давр ва қаҳрамон тасвирида реалистик чизгилардан фойдаланиш Носир Фозилов, қаҳрамон қиёфаси талқинида ҳаётийлик ва жонлилиқни бош мезон қилиб олиш Латиф Маҳмудов услуби учун хос эканлиги ёритилган.

Бобнинг **“Жанр хусусиятлари”** деб аталган иккинчи фаслида ўзбек болалар ҳикоячилиги ХХ асрда ўзига хос янгиланишларга асосланган тараққиёт йўлини босиб ўтганлиги, унинг ривожига Чўлпон, Ҳамза, А.Авлоний, Ғ.Ғуллом, Ойбек, А.Қаҳҳор, Боту, Элбек, Ҳ.Олимжон, А.Мухтор, Ш.Саъдулла, О.Ёкубов, С.Аҳмад, Х.Тўхтабоев, Ҳ.Назир, Н.Фозилов, Л.Маҳмудов, А.Обиджон каби кўплаб ижодкорлар асарлари муҳим ўрин тутганлиги ёритилган. “Адабиётшунослик луғати”да ҳикоянинг жанр хусусиятлари ҳақида қуйидагича маълумот берилади: “...одатда, қаҳрамон ҳаётидан битта (баъзан бир-бирига узвий боғлиқ, қисқа муддат давомида кечган бир нечта) воқеани қаламга олади. Тасвирланаётган воқеаларнинг қисқа вақт давомида кичик, сюжети содда, иштирок этувчи персонажлар сони кам бўлишини тақазо этади... Ҳикоя асосида ётган воқеанинг яхлит, тугал бўлиши талаб этилади. Бунинг учун у ўзининг бошланиши ва якунига эга бўлиши... лозим. Яхлит воқеани тасвирлаш асносида ҳикоянавис ё шу

¹⁷ Анвар Обиджон. Олтин юракли автобола. –Тошкент: Ёш гвардия, 1998. –Б.113.

¹⁸ Фозилов Н. Ношир ва Носир сўзи. – Тошкент: O'zbekiston, 2015. – Б.19.

воқеанинг, ё унинг воситасида характернинг моҳиятини очиб беради”¹⁹. Шунингдек, “Одатда кўпчилик ҳикояларнинг сюжети сиқик, воқеалар муаллифнинг эстетик нияти атрофига максимал даражада марказлаштирилган бўлади. Сюжетнинг тезкор ўсиши зарурати ундаги персонажларнинг кам сони бўлишини тақазо этади... Ҳикояда эпизодик персонажлар деярли бўлмайди, агарда киритилса ҳам сюжет ривожига туртки бериб бўлиши билан тасвир доирасидан чиқиб кетади. Ҳикояда ёндош сюжет чизиғи, муаллиф чекинишлари бўлмайди ҳисоб, қаҳрамоннинг ҳам кўпроқ ҳозир тасвирланади, унинг ўтмиши сюжет ривожини учун ғоят зарур ҳоллардагина қаламга олинади...”²⁰ Шу билан бирга, “Ҳикояда тасвирланган воқеа ўз моҳияти ва аҳамияти жиҳатидан эпик турнинг роман, повесть каби жанрларидан фарқланмаса ҳам, бироқ тасвирнинг кўлами, сюжети ва композициянинг нисбатан соддалиги, баённинг асосан бир шахс томонидан олиб борилиши жиҳатидан фарқланиб туради”²¹.

Анатолий Алексин тўғри таъкидлаганидек “Адабиётда энг муҳим нарса – бу инсоннинг жонли характерини ярата билишидир. Латиф Маҳмудов китобида биз одамларнинг (ёшларнинг ҳам, катталарнинг ҳам) айнан шундай характерини учратамиз!”²² Латиф Маҳмудовнинг “Бувиси”, “Бир “қошиқ” шўрва”, “Меҳмон-меҳмон”, “Мушук”, “Тўқсон йилгача ўртоқ”, “Дорвозабон”, “Уч опа-сингил”, “Бераҳм қиз”, “Қизғанчиқ” ҳикоялари мактабгача тарбия ёшидаги болаларга аталгандир. Л.Маҳмудовнинг “Дангасанинг ҳоли вой” ҳикоясида ўрта мактаб ёшидаги болалар билан боғлиқ воқеа қаламга олинган.

Фасл давомида илгари сурилган фикрлар В.Г.Белинский,²³ Л.Н.Толстой²⁴, Ҳ.Ҳамидий, Ш.Абдуллаева, С.Иброҳимова²⁵, Н.Сафарова²⁶, Н.Ёқубов²⁷ илмий-назарий қарашлари асосида ривожлантирилиб, асослаб берилган.

Анвар Обиджоннинг “Тулихоннинг гулзорчаси”²⁸ ҳикояси мактабгача тарбия ёшидаги болаларга аталган бўлиб, уларни ҳашарот ва наботот олами билан яқиндан таништиришга бағишланган. А.Сабирдиновнинг “Ҳозирда

¹⁹Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Akademnashr, 2010. – Б.339.

²⁰Қозокбой Йўлдаш, Муҳайё Йўлдош. Бадий таҳлил асослари. –Тошкент: Камалак, 2016. –Б.244-245.

²¹ Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. –Тошкент: Ўқитувчи, 1983. –Б.310.

²²Алексин А. Ҳам қувноқ, ҳам жиддий китоб // Қаранг: Маҳмудов Л. Дангасанинг ҳолига вой. –Тошкент: Ёш гвардия, 1989. –Б.3.

²³Белинский В.Г. Адабий орзулар. Адабий-танқидий мақолалар.–Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977. –Б.229.

²⁴ Шермухамедов П., Турсунов Ж., Сафаров О., Эгамов Х. Ўзбек болалар адабиёти. – Тошкент: Ўқитувчи, 1976. –Б.10.

²⁵Ҳамидий Ҳ. Абдуллаева Ш., Иброҳимова С. Адабиётшунослик терминлари луғати. –Тошкент: Ўқитувчи, 1970. –Б. 172.

²⁶Сафарова Н. Ўзбек болалар ўйин фольклорининг жанрий табиати, генезиси ва бадий хусусиятлари: Фил. фан. номз... дисс. –Тошкент, 2005. –Б.16.

²⁷Ёқубов Н. Болаларга эстетик тарбия беришда табиатнинг роли (Ота-оналар ва боғча тарбиячилари учун методик қўлланма). –Тошкент: Ўқитувчи, 1980. –Б.34.

²⁸Anvar Obidjon. Kezargon Boychechak. Kezargon Boychechak.–Toshkent: Cho'lpn nomidagi nashriyot - matbaa uyi,2016.–B.5.

шеърни шакли ва мазмуни жихатдан муттасил янгилаш учун изланишда бўлган шоир уни ўзбек халқ оғзаки ижоди, мумтоз ва жаҳон адабиёти анъаналарига уйғунлаштириб, қатор муваффақиятларни қўлга киритмоқда. Ушбу муваффақиятлар шоир асарларида кишилар дилидаги гапларни жонли, ҳаётий, халқона усулда ифодалашда, чуқур фалсафасида, бир карашда оддий кўринган воқелик тасвирда ўзгача маъно касб этишида, изтиробли ходисаларнинг ним табассум билан ёритилишида бўлса ажаб эмас”²⁹ деган сўзларини унинг прозаик асарларига ҳам тўла татбиқ этиш мумкин. Дарҳақиқат, шеърятда бўлгани каби прозада ҳам Анвар Обиджон ўзбек халқ оғзаки ижоди, мумтоз ва жаҳон адабиёти анъаналарини уйғунлаштиргани ҳолда болаларбоп воқеликни ҳаётий, ҳаққоний, содда ифодалашга эришади. Ш.Одилжон таъкидлаганидек, “Питбўл” дейсизми, “Патийдин”ми, хуллас барча-барчасида ўзига хослик, ширинсуханлик, алоҳида услуб, сўз айтиш санъати ва водийликларга хос аския мужассам. Телевизорни – телевизёр, экранни - расмойна тарзда қўллаш ҳам фақатгина полосонлик Анвар Обиджонга ярашадигандай чамамда. Унинг қахрамонлари бир-биридан қизиқ характерга эга, айна чоғда бу характерга мос исмлар ҳар бир асарини янада бойитиб, худди одам хазинага интилган каби, кейинги саҳифани варақлашга шошади. “Топиндиқ оға”, “Суробхўжа”, “Ўртанвой”, “Бойсин новча”, “Шоир Нашватий”, “Машмашахон”, “Мармарқўзи” сингари номлар, уларнинг хатти-харакатлари, гап-сўзлари адибнинг адабий топқирлиги, ижодий ҳаёлотининг нақадар кенглигидан далолатдир. Устоз ижодкорнинг ҳазиломуз асарлари шунчаки кулги, юмор устида қурилмаган. Уларда гоҳо аччиқ, гоҳо ширин, ҳаётдан топган ҳақиқатлар яширин. Ҳар бир асар қайсидир иллатга, бадбинликка қарши йўналтирилган. Ўқувчи эса ана шу нозик нуқтани, кулги ва ҳақиқат топишган чорраҳани завқ-шавқ билан, теран мулоҳаза билан, бургут кўзи билан кузатиб туради”³⁰.

Носир Фозиловнинг “Полизда” ҳикояси қахрамонлари чўл машаққатларини бошидан ўтказаётган болалардир. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубовнинг “Носир Фозилов бадиий ижоднинг энг қийин “сирлари”дан бири – битта-иккита ибора билан манзара ярата олиш сирини билади”³¹ деган сўзларини ушбу ҳикояга тўла татбиқ этиш мумкин. Асардаги воқеалар бир минг тўққиз юз ўттиз бешинчи йил сентябрь ойида бўлиб ўтади. Ҳикоядаги воқеа шўро даврининг қатоғон сиёсати кучайган, очарчилик авж олган, мактабларда болаларга ўқув қуроллари, китоблар етишмаган даврларда юз беради. Профессор Й.Солижонов “Носир Фозилов ўзбек адабиёти тараққиётига болаларга бағишланган “Саратон”, “Оқим”, “Робинзонлар”, “Қорхат”, “Дийдор”, “Шум боланинг набиралари”, атоқли адабиётшунос ва адиб Тўхтасин Жалолов қисмати ҳақида ҳикоя қилувчи “Қуш қаноти билан”

²⁹Сабирдинов А. Маънавият ва маърифат чашмалари. – Тошкент: Akademnashr, 2016. – Б.49-50.

³⁰Шавкат Одилжон. Анвар Обиджон. // – Жаҳон адабиёти. –2015 йил. 6-сон. –Б.2020.

³¹Ёқубов О. Болалик адиб қаламида // Қаранг: Фозилов Н. Ғира-шира шомдан оппоқ тонггача. –Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2017. –Б.100.

каби қиссалари, талай ҳикоялари билан катта ҳисса қўшган таниқли адибдир”³² дея таъкидлайди.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Давр, руҳият ва бадиият масалалари**” тадқиқига бағишланган бўлиб, у уч фаслни ўз ичига олади. “**Давр ва қаҳрамон талқини**” деб номланган биринчи фаслда Носир Фозилов ҳикоялари қаҳрамонлари ўз даврининг фарзанди эканлиги, шунингдек, ёзувчи ўз кўрган-кечирганларини, яшаган даври воқелигини, одамлари қиёфасини бола нигоҳи билан тасвирлайди. Одил Ёқубовнинг “Носир Фозиловнинг болалик чоғлари уруш йилларига тўғри келган. У ўз қаҳрамонлари Ҳайдар ва Ғанишерлар (“Менинг ҳусним” ҳикояси қаҳрамонлари назарда тутилмоқда –А.О) каби даштда буғдой экиб, машоқ терган, ”эшак карвон” тузиб, давлат омборларига буғдой ташиган. Шунинг учун ҳам унинг ҳикоя ва қиссаларидан ўша даврнинг оташин нафаси, дашт офтобининг ҳарорати келади, урушга кетган оталарини соғинган болачаларнинг маюс қарашлари кўз олдингиздан кетмайди, уларнинг изтироблари сизни ҳам изтиробга солади, сизни ҳам ҳаяжонлантиради, энтиктиради. Носир асарларида Туркистон ўзбекларининг ўзига хос тили, қиёфаси, урф-одатлари жуда аниқ сезилиб туради...”³³ деган сўзлари аҳамиятлидир. М.Бахтин бадиий асарда замон ва макон муносабатини таҳлил этар экан ёзади: “Бадиий хронотоп катъий жанрий моҳиятга эга. Айтиш мумкинки, жанр ва жанрга хос хусусиятлар айнан хронотоп воситасида юзага чиқади. Шунингдек, бадиий хронотопнинг етакчи хусусияти замонда кўринади. Хронотоп шаклий-мазмуний категория сифатида адабиётда инсон образи моҳиятини ҳам белгилайди. Чунки бадиий образ доимо хронотоп негизида маъно касб этади”³⁴. Ёзувчининг “Менинг ҳусним” ҳикоясидаги воқеалар ҳам иккинчи жаҳон уруши даврида бўлиб ўтади. Ҳикоя муаллифнинг XX асрнинг 60-йилларида, йигирма икки йил аввалги воқеаларни ёдга олиб баён этишидан юзага келган. Ҳайдар, Аъзам, Ғанишер каби болалар характеридаги меҳнатсеварлик, ҳалоллик, ватанпарварлик фазилатлари улуғланади. У.Жўрақулов ҳикоя тарихи ва жанр хусусиятларининг шаклланишида одам тасвирининг ўрни ҳақида қуйидагиларни ёзади: “Одам ва илоҳиёт, одам ва одам, одам ва табиат, одам ва ўтмиш, одам ва келажак аро маънавий, маърифий, психологик, маиший, ижтимоий, иқтисодий ва ҳ.к. муносабатлар умуман бадиий асарнинг, хусусан, ҳикоя жанрининг туғилиши учун асосий омилдир. Инсондаги айтиш ва тинглаш эҳтиёжи мавжуд экан, ҳикоя ҳам яшайверади. Ҳикоя жанри барча адабий жанрларнинг синкретик шакли сифатида лирика, драма ҳамда эпосга хос элементларни синтез қилиш билан бирга, юзаки қараганда ноадабий, аммо моҳият эътибори билан умуминсоний, демакки, адабий, фалсафий,

³²Солижонов Й. Лирика латофати, насрнинг назокати. –Тошкент: Адабиёт учқунлари, 2018. –Б.76.

³³Ёқубов О. Болалик адиб қаламида // Қаранг: Фозилов Н. Кичкина деманг бизни... –Тошкент: Ёш гвардия, 1977. –Б.2-3

³⁴Бахтин М. Романда замон ва хронотоп шакллари. –Тошкент: Akademnashr, 2015. –Б.44.

илохий элементларга бой эканлиги ҳам юқоридаги фикримизни қувватлайди”³⁵.

Носир Фозиловнинг “Мальчик амаки” ҳикоясида воқеалар Мирзачўлда бўлиб ўтади. Воқеалар ўн беш ёшли Муса томонидан баён этилади. Ҳикояда Носир Фозилов услуби учун хос жиҳат – қаҳрамон характери, портрети, ўтмиши билан боғлиқ чизгиларни уйғунликда акс эттириш орқали қаҳрамонни яхлит гавдалантириш кўзга ташланади. Носир Фозиловнинг “Тош” ҳикояси воқеалари ҳам 43-44 ёшлардаги Ҳожимуроднинг 13-14 ёшлардаги хотиралари асосига қурилган. Асарда машҳур қозоқ полвони Ҳожимуқон Мунгайтпасовдаги ватанпарварлик, халқпарварлик, самимият, фашизмга бўлган нафрат туйғулари ишонарли ёритилган. Маълумки, Қ.Абдуқодировнинг “Ҳожимуқон” повестида полвоннинг асл исми Муқон бўлганлигини, кураш мусобақасига бориб Истанбулнинг катта масжидига кирганида турк эшони унинг бошига туркча попукли дўппи кийдириб, “Бу ҳамма мусулмон масжидларининг онаси, бунинг ичига кирган одам “Ҳожи” бўлади, энди сен Ҳожимуқон бўлдинг”³⁶ деганлигини ёзиб, Россияда уни Қора Иван деб аташларини қайд этади.

Латиф Маҳмудовнинг “Чағалайлар”³⁷ ҳикоясида асосий қаҳрамон Мазай бобонинг оиласи билан боғлиқ фожеавий воқелик талқини орқали урушга нафрат, паррандаларни асрашга ундаш ғояси етакчилик қилади. Академик С.Мамажонов тўғри қайд этганидек “Латифнинг ҳикоячиликдаги ютуғи унинг болаларнинг психологик ҳолатини таҳлил этиш, уларнинг характеридаги ўзгаришларни ва унга сабаб бўлган ҳолатларни тасвирлаш йўлидан боришидир. У ҳар бир ҳикоясига ҳаётий, аммо қизиқарли воқеа, кулгили ситуация топа олади ва болаларнинг ички коллезияси билан, характерлар тўқнашуви билан боғлиқ бўлган конфликтни узвий боғлай олади. Латиф болаларнинг ташқи томондан оддий ўйиндан, “майнавозчилик”дан иборат бўлган характеридан муҳим ахлоқий, ижтимоий мазмун чиқара олади”³⁸.

Хуллас, Н.Фозилов асарларида уруш даври ва қаҳрамонлари талқини аниқлиги, майда тафсилотлардан бир қадар ҳолилиги билан ажралиб турса, Л.Маҳмудов ижодида қаҳрамонлар урушдан кейинги давр воқелигига уйғун руҳият тасвир орқали юз кўрсатади.

Иккинчи бобнинг иккинчи фаслида **“Миллий руҳият тасвири”** муаммоси ўрганилган. Академик Н.Каримов таъкидлаганидек, “Чинакам санъат асари фақат сюжет ипига тузилган воқеаларни китобхон эътиборига ҳавола этиш учун эмас, балки шу воқеалар мантиқига сингдирилган бадиий мақсад учун ёзилади”³⁹. Маълумки, “Халқнинг ҳаёти билан чамбарчас боғланган адабиёт унинг ўзига хос урф-одатларини, психологиясини, турмуш

³⁵Жўрақулов У. Назарий поэтика масалалари: Муаллиф. Жанр. Хронотоп. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. – Б.320.

³⁶Абдуқодиров К. Ҳожимуқон. –Тошкент: Ёш гвардия, 1971. –Б.118.

³⁷Маҳмудов Л. Эски дуторнинг сирлари. –Тошкент: Ёш гвардия, 1979. –Б.5.

³⁸Мамажонов С.Эзгу ният йўлида. // Маҳмудов Л. Жасур болалар. –Тошкент: Ёш гвардия, 1973. –Б.5.

³⁹Каримов Н. XX аср адабиёти манзаралари. –Тошкент: O'zbekiston, 2008.– Б.185

ва яшаш тарзини ёрқин акс эттиради. Ҳар бир халқнинг ўзига хос бўлган ана шундай хусусиятларини акс эттириш адабиётнинг миллийлигини вужудга келтиради”.⁴⁰ Анвар Обиджон ҳикояларининг қаҳрамонлари фикрлаш тарзи, хатти-ҳаракатлари, одат-қилиқлари билан миллат фарзанди эканини намоён этиб туради. Ёзувчи асарларида оғзаки нутқида учрайдиган шевага хос сўз ва ибораларнинг матнда мувоффақиятли қўлланиши билан ҳам жозибадордир. Профессор А.Расулов такидлаганидек, “Болалар ёзувчилари ҳамиша, ҳамма ерда битта муҳим қонуниятга амал қилганлар: яшамок - улуғ неъмат. Яшаш бахти ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Яшаётган ҳар бир жонзот яратганнинг рўйхатидан ўтган. Одамлар жонзотни оёқ ости қилишга, қиришга ҳақсиздирлар. Анвар Обиджон атайин кўкшира, чивин, бурга, пашша, капалак, шиллиқурт, суварак, чумоли сингари ҳашаротларни тасвирлайди. Кўкшира, масалан, ниҳоятда увоқ, сустҳаракат, юзтаси, мингтаси биттагина баргга жо бўладиган ҳашарот. У - кушанда. Аммо шоир бу майда махлуқни очик ҳақорат қилмайди. Мақтамайди ҳам”⁴¹.

Анвар Обиджон ҳикояларидаги образ ва персонажлар воқеликка ўзларининг яшаш тарзидан келиб чиқиб баҳо берадилар. Айниқса, улар ўз нутқлари билан алоҳидалик, индивидуалликларини намойиш этадилар. Профессор Й.Солижонов тўғри таъкидлаганидек “Ҳар бир асар шартли равишда ижодий тафаккур мевасидир. Бу тафаккур тарзи ўзига хос шаклда нутқ орқали намоён бўлади ҳамда адабий тур ва жанрлар талабига кўра ёрқин экспрессивлик, холислик ва кўп маънолилик касб этади. Эстетик қиммати юқори бўлган асарлардаги образли иборалар тизимида ифодаланган ҳаёт манзаралари сиртдан жуда содда кўринса-да, одатда ғоят мураккаблиги билан эътиборни тортади”⁴². Анвар Обиджоннинг “Атрофимиздаги қизиқчилар” деган умумий ном остидаги ҳикоялар туркумида ҳам турли ҳашаротлар ва ҳайвонлар, паррандалар яшаш муҳитлари ҳақида ўзларининг тилидан болалар тушунадиган тарзда сўзлайдилар. Маълумки, адабиётда ҳайвонларни образ сифатида тасвирлаш, парранда ва ҳашаротларга рамзий маъно юклаб талқин этиш анъанаси мавжуд. Анвар Обиджон асарларига миллий руҳ бағишлаган ана шу жиҳат, айниқса, ифоданинг ҳаётий, таъсирчан бўлишни таъмин этган, десак хато бўлмайди. Адабиётшунос А.Раҳимовнинг ҳарф белгиларидан Шарқ адабиётида образли восита сифатида фойдаланиш ҳақидаги ушбу фикрлари, айниқса, характерлидир: “Миллий образли воситаларнинг барчаси ҳам бир хилда яшаган эмас. Улардан баъзилари муайян шароитда пайдо бўлади ва ўз имкониятларини юзага чиқариб бўлгач, образли восита сифатида ўлади. Ҳарф санъати ўзбек классик адабиётида энг кенг тарқалган бадиий воситалардан бўлган. Бунда эски ўзбек алифбосининг ҳарф белгилари ва уларнинг нуқталари актив бўлиб, шеъриятда образ яратишнинг энг ҳаётий воситаларидан саналади. Улардан баъзилари турғун

⁴⁰Шукуров Н., Ҳатамов Н., Холматов Н., Маҳмудов М. Адабиётшуносликка кириш. –Тошкент: Ўқитувчи, 1979. –Б.64-65

⁴¹Расулов А. Ўзлик сари йўл. –Тошкент: ADIB, 2012. –Б.12.

⁴²Солижонов Й. Нутқ ва услуб. –Тошкент: Чўлпон, 2002. –Б.32.

мазмунга унга эга бўлган ва анъанавий тус олган”⁴³. Ана шундай анъанавий тус олган миллий образли воситалардан бири ҳайвону паррандаларни, набототу ҳашаротларни одамлар сингари сўзлатиш санъатидир. Шарқ мумтоз адабиётида бу “сўзлатиш”, “гапиртириш” маъносидаги интоқ санъати бадиий асарда ҳайвонлар ёки жонсиз нарсаларни одамларга ўхшатиб сўзлатишни назарда тутади”⁴⁴. Масалан, Анвар Обиджоннинг “Хўтикнинг ҳикояси”да ҳам табиат ҳодисалари ҳақидаги аниқ тасаввур шаклланмаган боланинг тафаккур тарзини гўё Хўтик образида кўраётгандек бўламиз. Ёки “Қовоғарининг ҳикояси”да болалар ўйнайдиган “ҳалов туя” ўйинига ишора ҳам ҳикоя қаҳрамони тасвирига миллийлик бағишлаган. “Суваракнинг ҳикояси”, “Тошбақанинг ҳикояси”, “Бузоқнинг ҳикояси”да ҳайвону ҳашаротлар ўз яшаш тарзи, хатти-ҳаракатлари ҳақида маълумот бериш билан гўё шарқона кишилар қиёфасига кирадилар ва миллий руҳиятларини намоён этадилар. Ушбу ўринда Анвар Обиджоннинг “игнабарг”(бир қаторли) шеърларини чуқур таҳлил этган адабиётшунос Қ.Йўлчиев шундай хулосага келади: “Умуман олганда, фалсафий-афористик игнабарглар муаллиф психологияси, образлар характери асар сюжетининг шиддати, муаллифнинг кўп қиррали фикрини, сўз ўйини, чуқур донишмандлик трактини акс эттиради”⁴⁵. Шундай жиҳатларни Анвар Обиджоннинг болаларга аталган ҳикояларида ҳам кўрамиз.

